

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
Фарғона туманидаги  
Халқ қабулхонасининг  
2026 йил “\_\_\_” январдаги  
\_\_\_\_\_ – сонли хатига илова

**2026 йил I-чорагида Фарғона туманида ҳудудларни  
комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича  
ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти,  
муурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан  
АХБОРОТ**

**I. Ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти,  
муурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан**

Бугунги кунда аҳоли ваколатли давлат органлари, муассасалар ҳамда халқ вакилларига ўзларини қийнаётган масалалар билан тўғридан-тўғри муурожаат қилмоқда.

Бу борада 2025 йил ва 2026 йил 3 ойи давомида Фарғона тумани аҳолисидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига жами **4 060 та** муурожаат келиб тушган.

Келиб тушган муурожаатларнинг **3 925 таси** тегишли идора ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиб, **2 386 таси (60,79%)** ижобий ҳал этилган. Шундан **3 646 таси** ёки **92.89 фоизи** қаноатлантирилган.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида **2026 йилнинг 13 март** куни ўтказилган «**Аҳоли муурожаатлари билан ишлаш тизимини янги даражага кўтариш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш**» масалалари юзасидан ўтказилган видео селектор йиғилишида ҳам энг кўп муурожаат келиб тушувчи масалалар ва муурожаатларни таҳлил қилиш, ҳал этиш чоралари кўриб чиқилди.

Муурожаатларни йўналиш ва соҳалар бўйича таҳлил қилиш уларнинг асосий омилларини ва долзарб муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Хусусан, 2026 йилнинг 3 ойи давомида келиб тушган **1 096 та** муурожаатларнинг **1 052 таси** тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўриб чиқилган. Мазкур муурожаатларнинг **445 таси** ёки **42.30 фоизи** ижобий ҳал этилган.

Ўтган йилга нисбатан муурожаатлар **493/1096 та, 603 тага** ёки **122.3 фоизга** ошган.

Ҳар **1 минг аҳолига** муурожаатлар сони **5 таданга** тўғри келмоқда. Энг кўп муурожаатлар;

Соҳа	Жами	Такрорий	Ижобий	Ҳуқуқий маъл.	Ижобий Ҳоизда
Нафақа тайинлаш, моддий ёрдам ажратиш ва пенсияга оид масалалар	155	17	42	88	27.09%
Алимент ва бошқа масалалар	115	19	59	46	51.3%
Газ таъминоти масалалар	90	11	54	28	60%
Содир этилган ҳуқуқбузарлик ва фирибгарлик ҳамда суриштирув-тергов ҳаракатларига оид масалалар	68	6	18	46	26.4%
Хизматчилар фаолияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар	56	4	16	37	28.5%
Электр таъминотига боғлиқ масалалар	49	7	30	15	28.5%
Кредитлар, банк пластик карталари, фаолияти билан боғлиқ масалалар	48	6	14	33	29.1%
Раҳбарлар қабулини ташкил этиш сўровлари	30	3	2	27	6.6%
Фуқаролик судлари фаолиятига оид масалалар	30	16	0	28	0.0%
Бошқа масалалар	455	73	173	189	38.2%
<b>Жами</b>	<b>1 096</b>	<b>162</b>	<b>445</b>	<b>607</b>	<b>42.3%</b>

2025 йил ва 2026 йил 3 ойи давомида “Ҳуқуқий ва тушунтириш берилган” берилган **1 699 та** мурожаатларнинг **395 таси** ёки **23.2 фоизи** кўриб чиқилди. Шундан **124 таси** ёки **31.3 фоизи** ижобий ҳал этилган деб топилди.

2025-2026 йилларда келиб тушган мурожаатларни ижобий ҳал этиш кўрсаткичлари (**Фарғона тумани**) вилоятда 3-ўринда **2 668 та** ёки **60.8 фоизга** етди.

**Ушбу жараёнда Фарғона тумани Кадастр бўлими, Фарғона тумани Экология бўлими ва Фарғона тумани Сув етказиб бериш**

**хизмати ДМ томонидан бирорта мурожаатни ижобийлиги таъминланмади.**

### **Ҳуқуқ-тартиботга оид масалалар (213 та — 19,4%)**

Энг кўп мурожаат қилинган соҳа — ҳуқуқ-тартиботга оид масалалар бўлиб, жами **213 та** мурожаат қайд этилган. Бу умумий мурожаатларнинг **19,4 фоизини** ташкил этади. Ушбу соҳа бўйича **26 та** такрорий мурожаат мавжуд бўлиб, бу барча соҳалар орасида такрорийлик нуқтаи назаридан биринчи ўринни эгаллайди. Такрорий мурожаатларнинг юқорилиги кўрсатмоқда.

Ушбу соҳа доирасида алимент ундириш, ҳуқуқбузарлик ва фирибгарликка оид масалалар, фуқаролик судлари фаолиятига шикоятлар салмоғи юқорилиги. Алимент масаласи бўйича **115 та** мурожаат тушган — соҳа бўйича **иккинчи ўринда туради.**

*Мисол учун, Фарғона тумани “Ёйилма” МФЙ, Зарбдор кўчаси, рақамсиз-уйда яшовчи С.Мирзатованинг 18.02.2025 йил кунги 90912/25-сонли мурожаати фуқаро иштирокида кўриб чиқилмаганлиги сабабли ушбу масала юбзасидан **7 та** (29024-хқ/25, 245361/25, 282708/25, 43696-хқ/25, 59848-хқ/25, 489621/25, 677414/25) **такрорий мурожаат йўлаган сўнгина ижро хужжати амалда таъминланган.***

### **Ижтимоий ҳимоя тизими масалалари (200 та — 18,2%)**

Ижтимоий ҳимоя тизими ва уй-жой таъминоти оид масалалар бўйича **200 та** мурожаат тушган. Энг кўп учрайдиган масала — нафақа тайинлаш, моддий ёрдам ажратиш ва пенсияга оид масалалар (**155 та**). Болалар нафақаси, ногиронлик нафақаси, ёши улуғ кишиларга ёрдам беришга оид мурожаатлар салмоғи юқориликни сақлаб келмоқда.

Ушбу соҳадаги ижобий ҳал этиш даражаси **32,0 фоизни** ташкил этади. Бироқ **25 та такрорий** мурожаат мавжудлиги — маҳалла ва туман даражасида масалаларнинг биринчи мурожаатдаёқ ҳал этилмаётганлигидан далолат беради.

*Мисол учун, Фарғона шаҳри «Шифокор» МФЙ, Ором кўчаси, рақамсиз-уйда яшовчи Самсақова Дилшода Комиловнанинг 25.01.2026 йил кунги 51546/26-сонли «18 ёшгача болалар нафақаси тайинлаш масаласида»ги мурожаати бўлим томонидан кўриб чиқилган.*

*Шифокор МФЙ ходимлари томонидан 06.02.2026 йил кунги мурожаатни ўрганиш далолатномасида болалар нафақаси тайинлаш юзасидан Шифокор МФЙга ариза топшириши кераклиги тушунтирилган.*

*Бинобарин, мурожаат муалифи Давлат раҳбарига мурожаат қилаётган бўлса-да, ижтимоий соҳада фуқарога 2026 йил учун давлат хизмати кўрсатилмасдан мурожаат ёпиб юборилган.*

### **Коммунал хизматлар (178 та — 16,6%)**

Газ, электр, ичимлик суви ва бошқа коммунал хизматларга оид мурожаатлар **178 тани** ташкил этди. Шундан газ таъминоти масалалари (**90 та**) ва электр тармоқ узилишлари (**49 та**) энг кўп учрайдиган масалаларни ташкил этса-да, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш масалалари (**17 тага**) **ошгани** ачинарли ҳолати ҳисобланади. Асосан мазкур масалаларда такрорий мурожаатлар сони **3 та** бўлиб, техник тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

*Мисол учун, Фарғона тумани «Хуршиди тобон» МФЙ, Ибрат кўчаси, 40-уйда яшовчи Олимова Шахноза Хаитбоевнанинг 24.03.2026 йил кунги 172515/26-сонли «Маҳалладаги маиший чиқиндилар бир ойга яқин вақтдан буён олиб кетилмаётгани ва бу масалада корхона раҳбарига қилган мурожаатидан натижа бўлмагани масаласида»ги мурожаатида ёчим булмаётганида кўриш мумкин.*

### **Давлат органлари фаолияти (464 та — 11,4%)**

Ҳокимлик ходимлари ва ташкилот раҳбарлари қабуллари ташкил этиш масалалари бўйича **464 та** мурожаат тушган. Бу соҳада **44 та** такрорий мурожаат қайд этилган. Раҳбарлар қабулини ташкил этиш сўровлари (**154 та**) ва хизматчилар хатти-ҳаракатларига оид шикоятлар (**211 та**) мурожаатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

### **Тошкент шаҳридаги Республика вазирлик ва идораларга юборилган мурожаатлар**

Фарғона тумани аҳолисидан Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасига мурожаатлар кескин ошган: 2025 йилда **32 та** фуқаро мурожаатлари келиб тушган бўлса, 2026 йилнинг дастлабки уч ойида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5 бараварга (500,0 фоиз) ошгани кузатилмоқда.

Бу кўрсаткич, асосан, фуқаролар томонидан кўтарилаётган масалаларнинг **“маҳалла еттилиги”** томонидан ўз вақтида ва жойида ҳал этилмаётгани, мурожаатларни кўриб чиқишда муомала маданиятига амал қилмаётгани, туман даражасида ҳал қилиниши мумкин бўлган масалаларнинг асоссиз равишда юқори ташкилотларга бориб мурожаат қилишларида кўриш мумкин.

Мурожаатларни маҳалла кесимида таҳлил қилиш туманнинг қайси ҳудудларида муаммолар кўп тўпланганини аниқлаш ва мақсадли чоралар кўриш имконини беради.

Мисол учун, Янги аср МФЙ (**83 та** мурожаат, **11 таси** такрорий), Кончилар МФЙ (**51 та** мурожаат, **6 таси** такрорий), Аввал МФЙ (**47 та** мурожаат, **7 таси** такрорий), Шифокор МФЙ (**44 та** мурожаат, **10 таси** такрорий), Аввал МФЙ (**47 та** мурожаат, **7 таси** такрорий), энг кўп мурожаат тушган маҳаллалар ҳисобланади. **Кончилар МФЙдан такрорий мурожаатлар нисбати (11 та / 13,2%)** туман бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бирини

ташқил этади — бу маҳаллада масалаларни биринчи мурожаатдаёқ ҳал этиш чораларини кўриш лозим.

Мурожаатларнинг келиб тушиш манбаларига кўра, Ишонч телефони **727 та** ёки **66.3 фоизи**, Веб-сайт орқали **190 та** ёки **17.33 фоизи**, Халқ қабулхонаси орқали **144 та** ёки **13.13 фоизи**, Веб-сайт (Халқ қабулхонасига) **15 та** ёки **1.36 фоизи**, Президент почтаси **14 та** ёки **1.27 фоизи**, Президент Халқ қабулхонаси **6 та** ёки **0.54 фоизида** келиб тушган.

Мурожаатларнинг **66,3 фоизи** — **727 та** мурожаат ишонч телефони орқали қабул қилинган. Бу рақам аҳоли орасида ишонч телефони хизматига талабнинг жуда юқори эканлигини кўрсатади. Веб-сайт ва Халқ қабулхонаси орқали мурожаатлар ҳам сезиларли улушни ташқил этади. Президент почтаси ва Президент виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар нисбатан камроқ бўлса-да, **уларнинг долзарблиги юқори бўлмоқда.**

Умумий мурожаатчиларнинг жинсий таркибига кўра, аёллар мурожаатчиларнинг катта қисмини ташқил этади: аёллар — **569 та (51,91 фоиз)**, эркаklar — **527 та (48,08 фоиз)**. Аёлларнинг мурожаат фаолияти юқорилиги асосан ижтимоий ҳимоя, болалар нафақаси, алимент, меҳнатга ҳақ тўлаш, таълим ва оилавий низоларга оид масалалар билан боғлиқ бўлса, **318 таси** ёки **55.8 фоизи** ишсиз аёллар, **62 таси** пенсионер, **16 таси** талаба ёшлар эканлигини кўрсатмоқда.

Ёшига нисбатан олинганида энг кўп 1986-**(67 та)**, 1988-**(49 та)**, 2003-**(48 та)**, 1982-**(43 та)**, 1996-, 1995-, 1993-, 1987- ва 1978-йилларда туғилган фуқаролар ҳиссаси юқори.

*Энг ёши улуғ нуроний онахон Фарғона тумани “Майдон” МФЙ, Майдон кўчаси, 282-уйда яшовчи 10.08.1943 йилда туғилган **Жўраева Турсунойхон** онанинг олаётган нафақаси дори-дармонларига етмаётгани ўзи бронхиал астма касаллиги билан аъзият чекиб келаётгани ҳақидаги мурожаати туман тиббиёт бирлашмаси томонидан ижобий ечим топилмаган.*

Хусусан, аёл мурожаатчиларнинг **98 таси (12 таси такрорий)** моддий ёрдам ва 18 ёшгача болалар нафақаси тайинлаш масалаларида, **42 таси (9 таси такрорий)** алимент ундириш масалаларидаги мурожаатлари салмоғи юқорилиги қайд этилган.

Келиб тушган умумий мурожаатчиларнинг **519 таси** ёки **47.35 фоизи** ишсиз, **152 таси** ёки **13.86 фоизи** пенсионер ва **25 таси** ёки **2.28 фоизи** талабалар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Пенсия ёшидаги **152 нафар** фуқаролар асосан нафақа тайинлаш, моддий ёрдам ажратиш ва пенсияга оид масалалар (**15 та**), газ таъминоти, ҳисоблагичлар ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалалар (**13 та**), тиббий хизматлардан фойдаланиш учун моддий ёрдам, тиббий кўрик ва ёрдам, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш,

тиббийёт муассасаларига жойлаштириш билан боғлиқ масалалар (12 та), содир этилган ҳуқуқбузарлик ва фирибгарлик ҳамда суриштирув-тергов ҳаракатларига оид масалалар (10 та), электр тармоқлари ҳолати, узилишлар, ҳисоблагичлар ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалалар (8 та), алимент, қарз ундириш ва ижро иши юритишга оид бошқа масалалар (6 та), даволанишга ордер, тиббий-ижтимоий муассасаларга йўлланма бериш, ногиронлик билан боғлиқ масалалар (6 та), кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва маълумотлар базаси фаолияти билан боғлиқ масалаларда (6 та) энг кўп мурожаатлари келиб тушган.

## **II. Ҳудуддаги давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари фаолияти, шахсий ва сайёр қабуллар самарадорлиги ҳолати юзасидан**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28-декабрдаги ПФ-4904-сонли Фармонида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари, барча даражадаги ҳокимлар томонидан мунтазам равишда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини, шу жумладан Халқ қабулхоналари томонидан ташкил этиладиган қабулларини мунтазам ўтказиб бориши белгиланган.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг **26.01.2026** йил кунги **27-114**-сонли хатига асосан тегишли туман идора ва ташкилотлари раҳбарларининг шахсий ва сайёр қабуллар ўтказиш режа-жадвалларини ишлаб чиқиш ҳамда Халқ қабулхоналари билан келиш топшириғи берилган.

**Юқоридиги топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида:**  
раҳбарнинг шахсий ва сайёр қабуллар ўтказиш **режа-жадвалларини ишлаб чиқиш ҳамда Халқ қабулхоналари билан келиш;**

сайёр қабулларни режа-жадвалга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказиш ҳамда қабулларда келиб тушган **мурожаатларни Президент Виртуал қабулхона ахборот тизимига киритиб борилишини таъминлаш;**

қабуллар давомида мурожаатлар ҳар томонлама ва тўлақонли кўриб чиқилиш, аҳоли томонидан энг кўп кўтарилаётган, жамоавий характердаги масалаларга ҳамда қабулларнинг натижадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;

топшириқ ижроси юзасидан **ҳар ҳафта якуни бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона туманидаги Халқ қабулхонасига берилган иловаларга мувофиқ шаклларда ахборот киритиб бориш вазифаси юклатилган.

Жорий йилнинг I-чорагида **23 та** давлат органлари ва ташкилот раҳбарлари томонидан раҳбар сайёр қабуллари ўтказилди. Қабуллар жараёнида **697 та** аҳоли вакиллари иштирок этди. Шундан **254 та** мурожаатлар келиб тушди, мурожаатларнинг **187 таси** ёки **73.62 фоизи ижобий ҳал этилган.**

Тумандаги давлат органлари ва ташкилотлар томонидан тасдиқланган раҳбар сайёр қабуллари режа-графикка асосан **312 та** қабуллар ўтказилиши белгиланган бўлса-да, **129 таси** ўтказилмади.

Шу билан бирга, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази режадаги **12 та** қабулдан атиги **1 тасини**, туман Ёшлар ишлари бўлими **12 тадан 3 тасини**, Мактабгача ва мактаб таълими бўлими **12 тадан 6 тасини**, "Фарғонатумангаз" газ таъминоти бўлими **12 тадан 8 тасини**, Фарғона туман электр таъминоти корхонаси **12 тадан 5 тасини**, "Фарғона сув таъминоти" АЖ Фарғона туман бўлими **12 тадан 8 таси** ўтказганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон маҳалаллари уюшмаси Фарғона тумани бўлими, Мажбурий ижро бюроси Фарғона тумани бўлими, Фарғона тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал бўлими, Кадастр агентлиги Фарғона тумани бўлими, Фарғона тумани Сув етказиб бериш хизмати ДМ, Фарғона тумани СЭО ва ЖС ва Фарғона тумани Иқтисодиёт ва молия бўлимилари бирорта маҳаллада сайёр қабуллар ўтказмаганлиги кузатилди.

Ўтказилган қабулларда асосий мурожаатлар қуйидагиларни ўз ичига олган: Кредитлар, банк пластик карталари, банкоматлар ва тўлов тизимлари фаолияти билан боғлиқ масалалар (**29 та**), нархлар, тарифлар, суғурта ва молияга оид бошқа масалалар (**24 та**), ички йўллар, автомобиль йўллари, кўприклар ҳолатига оид масалалар (**23 та**), иш билан таъминлаш ва ишга тиклаш масалалари (**16 та**), уй-жой таъминотига оид масалалар (**13 та**), газ таъминоти (**11 та**), нафақа тайинлаш, моддий ёрдам ажратиш ва пенсияга оид масалалар (**11 та**), меҳнатга ҳақ тўлаш ва ҳисоблаш масалалари (**11 та**), электр таъминоти (**10 та**), ичимлик суви таъминоти (**10 та**), содир этилган ҳуқуқбузарлик ва фирибгарлик ҳамда суриштирув-тергов ҳаракатларига оид масалалар (**8 та**) ва бошқа масалалар (**89 та**) мурожаатлар ҳиссасига тўғри келади.